

Мехнат кахрамони, Хамза номидаги Республика давлат мукофоти лауреати Рахматулла Отақўзи ўгли Уйгун 1905 йили Козогистон жумхурияси Жамбул вилоятининг Марки кишлоғида хизматчи оиласида дунёга келди. У кишлоғидаги мактабни тугатгач, Тошкент педагогика техникумида ўқиди. 1925 йилдан бошлаб Тошкент кишлоқ хўжалик техникумида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди.

1927 йили Самарканд Педагогика академиясида ўқиди ва Миртемир, Хамид Олимжон, Амин Умарий, Хасан Пўлатлар билан танишди. Уйгун ёшлигидан шеърлар ёзиб, вақтли матбуотда фаол иштирок эта бошлади. 1929 йили шоирнинг «Баҳор қувончлари» номли биринчи шеърлар тўплами чоп этилди. «Март кунлари», «Чўл», «Колхозчи киз», «Украина еллари» каби лирик шеърлари китобхонларнинг севимли асарига айланди.

30-йилларда шоирнинг «Иккинчи китоб», «Қуёш ўлкаси», «Шеърлар», «Мухаббат» каби янги шеър тўплamlари ва бир қатор хикоя ва достонлари босилиб чиқди.

Улуг Ватан уруши йилларида халқимизнинг фашизмга қарши қурашдаги юксак ватанпарварлик фазилатларини юракдан қуйлаган шоир шеърлари янги тараккиёт босқичига қўтарилди. Уйгун бу даврда «Она» (1942), «Алишер Навоий» (1943, Иззат Султон билан ҳамкорликда), «Қалтис ҳазил» (1944) каби драматик асарлар, комедиялар яратди.

Уйгуннинг урушдан кейинги йиллардаги ижодида тинчлик, уруш, қураш ҳамда кишиларнинг фидокорона меҳнатни мотивлари халқлар дўстлиги мавзуси билан ҳамбарчас боғланиб кетади. Шоирнинг «Армуғон» (1941) «Ўзбекистон» (1942), «Ҳаёт чорлайди» (1954) каби шеър тўплamlари босилди. Бирок, Уйгун шеърларида ҳозирги истиклол даври руҳига мос келмайдиган «Бригадир Қарим», «Назир отанинг қазаби» каби бир қатор асарлари ҳам йўқ эмас. У «Ҳаёт қўшиғи» (1947), «Олтинқўл», «Навбаҳор» (1948), «Сўнги пушаймон» (1955) номли драматик асарлар ёзди. Унинг кейинги йилларда ижод қилган «Парвона» (1956), «Абу Райҳон Беруний» (1973), «Ибн Сино», «Зебуннисо» каби сахна асарлари ўзбек драматургиясининг яхши намуналари бўлди.

Шоир ва драматург Уйгун фаол жамоатчи сифатида 1951-1954 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлиб ишлади. У ўзбек адабиёти тараккиётидаги хизматлари учун бир неча бор тақдирланди.

1956 йили Ўзбекистонда хизмат қўрсатган санъат арбоби, 1965 йили Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвонларига сазовор бўлди. У Хамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати ҳамда Меҳнат Қахрамони (1985) унвонларига ҳам эга эди. Уйгун 1974 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси қилиб сайланган эди.

Уйгун Пушкин, М. Лермонтов, А. П. Чехов, Н. Толстой, В. Шекспир каби ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Унинг асарлари қардош халқлар ва жаҳон халқларининг қўпгина тилларига таржима қилинган.

Ижодкор ўз асарлари билан ўзбек поэзияси ва драматургияси ривожига салмокли хисса қўшган сермахсул шоир ва драматург сифатида таниқлидир. У 1990 йил феврал ойида 85 ёшида оламдан ўтди.